2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 142 (1203), 2024 йил 17 июль, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 16 июль куни ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини кўпайтириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.**

Бу ҳақда шу йил 3 июнь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши ҳамда тадбиркорлар билан мулоқотда топшириқ берилган эди. Ушбу топшириқлар ва билдирилган таклифлар асосида соҳа ривожига қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, хорижий туристларни юртимизга жалб қилиш учун туризм ташкилотларини айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 50 миллион доллар қийматида алоҳида кредит линияси очилмоқда. Бу кредитлар миллий валютада йиллик 17 фоиз ставкада, 2 йиллик имтиёзли давр билан 10 йилга ажратилади.

Салоҳияти юқори бўлган жойларда мастер-режалар асосида туризм масканлари барпо этилади. Бундай ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш учун жорий йилда республика бюджетидан 100 миллиард сўм йўналтирилади. Шунингдек, уларнинг ҳар бирига 50 миллион доллар миқдорида инвестиция жалб қилинади.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлар учун қатор енгилликлар ҳам назарда тутилмоқда. Улар орасида автобус ва микроавтобусларни божхона божидан озод этиш, туроператор ва ҳунармандларнинг халқаро ярмаркалардаги харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш, хорижий меҳмонлар иштирокида бизнес тадбирлар ташкил қилган тадбиркорларнинг фойда солиғи 50 фоизга камайтириш каби чоралар бор.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг миллий туризм брендини яратиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ, мақсадли бозорлар талабларидан келиб чиқиб, юртимиздаги туризм турлари тўғрисида контентлар яратилади. Улар халқаро медиа ва ижтимоий платформалар, жаҳон спорт ва санъат тадбирларида тарғиб қилинади. Бунга аудиторияси катта бўлган хорижий журналист, блогер ва инфлюэнсерлар ҳам жалб қилинади.

Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида барча авиа, темир йўл ва автобус қатновлари ҳақида маълумот ва чипта олиш имконини берадиган ягона онлайн платформа ишга туширилади. Авиа, темир йўл ва автобус чипталарини камида олти ой олдин савдога чиқариш тизими жорий қилинади. Умумхалқ байрамлари кунларида қўшимча авиақатновлар йўлга қўйилади. Булар ҳақда мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борилади.

Соҳа учун мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам муҳим. Келаётган ўқув йилидан бошлаб, бу борада ҳам қатор янгиликлар мўлжалланмоқда.

Жумладан, туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳасида ўқув дастурлари жаҳон рейтингида биринчи 100 таликка кирувчи таълим муассасаларининг тажрибаси асосида такомиллаштирилади. Бу соҳада олий таълим тўрт йилликдан уч йилликка ўтказилади. Талабаларга бир вақтнинг ўзида ихтисослиги бўйича ишлаб, касбий кўникмаларини бевосита иш жойларида ривожлантириш имконияти яратилади. Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Урганч давлат университетлари, Шарқшунослик, Жаҳон тиллари ва “Ипак йўли” олийгоҳларида гидларни тайёрлаш курслари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари бу чора-тадбирлар бўйича ҳужжат ишлаб чиқиб, ижросини самарали ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## АТОҚЛИ ҚОРАҚАЛПОҚ ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ АЖИНИЁЗ ҚЎСИБОЙ ЎҒЛИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли ўзининг бетакрор ва сермазмун ижоди билан халқимиз маданияти ва адабиётини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва оғизбирчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган улкан ижодкордир. Ҳассос шоирнинг шеър ва достонларида акс этган гуманистик фалсафий қарашлар эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган.

Хивадаги машҳур Шерғозихон ва Қутлимурод иноқ мадрасаларида таҳсил олган бу улуғ сиймо нафақат мамлакатимизда, балки бутун минтақамизда халқчил шоир, етук муаллим ва устоз, моҳир хаттот сифатида шуҳрат қозонгани, айниқса, эътиборга моликдир. Унинг гўзал асарлари туркман, қозоқ, қирғиз ва бошқа қардош халқлар томонидан ҳам севиб ўқилмоқда.

Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКОнинг халқаро юбилейлар режасига киритилгани ҳам унинг ижодий мероси умумбашарий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ажиниёз Қўсибой ўғлининг бетакрор адабий меросини янада кенг ўрганиш ва оммалаштириш ҳамда таваллудининг 200 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмалари, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бадиий академия ҳамда жамоатчилик вакилларининг **Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш бўйича **ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов) **бир ҳафта муддатда** Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш ҳамда унинг ижодий меросини кенг тарғиб қилиш бўйича қуйидаги вазифаларни назарда тутувчи **чора-тадбирлар дастури**ни тасдиқласин ҳамда унинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминласин:

шоирнинг **“Танланган асарлар”** тўпламини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр қилиш, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб яратилган бадиий, илмий-оммабоп асарларни қайта чоп этиш ва тақдимотларини ўтказиш;

давлат буюртмасига биноан Ажиниёз Қўсибой ўғлининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган **саҳна асарлари** ҳамда **“Ажиниёз” бадиий-публицистик фильми**ни яратиш ва уларнинг тақдимотларини уюштириш;

Нукус шаҳрида шоир ижодига бағишланган **“Айт, сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан”** мавзусида мамлакатимиз ёш ижодкорларининг танловини, ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида Ажиниёз Қўсибой ўғли ҳаёти ва ижодига бағишланган **иншолар танлови**ни ўтказиш;

2024 йилнинг сентябрь ойида Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Ажиниёз Қўсибой ўғлининг ҳаёти ва ижодига бағишланган **китоблар, тасвирий санъат асарлари ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси**ни ўтказиш;

2024 йилнинг октябрь ойида Қорақалпоқ давлат университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Ажиниёз Қўсибой ўғлининг адабий меросини ўрганиш мавзусида **халқаро илмий-амалий конференциялар** уюштириш;

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида **шоир музейи**ни ташкил қилиш;

Ажиниёз Қўсибой ўғлининг Мўйноқ туманидаги қабрини ободонлаштириш ва унга **ёдгорлик ўрнатиш**, мазкур туманда Ажиниёз Қўсибой ўғли номидаги **экопарк барпо этиш**;

мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, профессионал, умумий ўрта таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли ёзувчи ва шоирлар, олимлар иштирокида Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигига бағишланган **учрашув ва адабий кечалар** уюштириш;

2024 йилнинг ноябрь ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик театрида Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигига бағишланган **тантанали адабий-бадиий хотира кечалари**ни ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга ажратилган бюджет маблағлари, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 16 июль

Таҳлил

## ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК




### Оддий одамлар ҳаётида қандай ўзгаришларга йўл очади?

**Ўзбекистон илк бор 1994 йилда дунёдаги йирик иқтисодий тузилма — Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун ариза топширган эди. Орадан 30 йил ўтган бўлса-да, ҳамон ушбу ташкилотга кириш ҳақида гапиряпмиз. Бу жараён кейинги йилларда жадаллашди. Тўғри, орада танаффуслар бўлди, бир неча йиллар давомида ташкилотга кириш ҳаракати музлатилди.**



Бу ушбу жараённи кузатиб бораётган иқтисодчиларнинг фикри, таҳлиллари асосидаги қарашлари. Умуман, бу масалада қарашлар, томонлар хилма-хил. Асосийси, мутахассислар ўз фикрлари билан жараёнда фаол иштирок этмоқда. Улардан бири **таниқли ва ёш иқтисодчи Беҳзод Ҳошимовдир.** Марказий Осиё ишлари бўйича Оксус жамияти, Америка Иқтисодчилар ассоциацияси ва АҚШдаги Стратегик менежмент жамияти аъзоси Б.Ҳошимов Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш ҳаракатининг доимий кузатувчиларидан. Унинг бу масаладаги фикрлари, мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Бу борадаги саъй-ҳаракатлар йиллар давомида суст кечганини кўпроқ хоҳиш етарлича бўлмагани билан изоҳлайман, — дейди иқтисодий таҳлилчи. — Чунки Ўзбекистондек иқтисодиётга эга мамлакатнинг ЖСТга кириши тез кечадиган жараён эди. Бироқ бу масалага унчалик ҳам жиддий эътибор берилмагани сабаби ташкилотга кириш учун қўйиладиган талаблар билан боғлиқ. Мазкур талаблар мамлакат иқтисодиётининг бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтишини тақозо этади. Бу дегани, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чекланиши керак. Мақсад эса иқтисодиёт сиёсатидаги хатоларни камайтириш ва халқаро стандартларга мослашишга қаратилган.

Давоми 4-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ



## АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Кейинги йилларда парламентимиз ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида изчил янгиланишлар, жумладан, давлат бошқарувида сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, вакиллик органларига сайланган депутат ва сенаторларнинг парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятидаги масъулияти ва фаоллигини ошириш борасида тизимли ҳуқуқий ислоҳотлар кечмоқда.**

Жумладан, 2023 йил 18 декабрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Сайлов кодекси ва амалдаги еттита қонунга сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини мамлакатимиз сиёсий ҳаётида амалга оширилган тизимли ислоҳотлар натижаларига, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётган халқимиз талабларига, шунингдек, ривожланган демократик ҳуқуқий давлатларнинг илғор амалиётига уйғунлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Сайлов кодексига киритилган янги нормаларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида ўтказиш белгиланди.

Зеро, бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида синовдан муваффақиятли ўтган, сайловчиларнинг хоҳиш-истаклари, талабларига тўла жавоб берадиган, сайловни аҳоли учун энг мақбул шаклда ташкил этиш ва ўтказиш тартиблари ҳамда сайлов тизимлари мавжуд. Улар, айниқса, аралаш сайлов тизимидан самарали фойдаланиб келмоқда. Шу сабабли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими асосида ўтказиш тартиби белгиланган.

Давоми 3-бетда

## МАЪНАВИЙ ҚУДРАТ, ДАХЛДОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ МАҲСУЛИ

**Маҳалла тарғибот жойимиз, хонадонлар — асосий ишимиз, ҳар бир фарзанд келажаги — мақсадимиздир!**



5

## ҲАР ҚАРИЧ ЕР МАНФААТ КЕЛТИРИШИ КЕРАК

Долзарб мавзу



**Ернинг ҳисобини аниқ юритиш ва самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, қурилиш, геология каби кўплаб соҳалар учун жуда муҳим. Бугун соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ана шу йўналишлар ривожига, бошқача айтганда, ҳар бир қарич ер халқимизга манфаат келтиришига хизмат қилиши керак.**

Ўтган йиллар давомида геодезия, картография ва кадастр соҳасида қатор муаммолар тўпланиб қолган эди. Биргина мисол, охирги марта мамлакатимизда ер хатлови ўтказилганига 40 йилдан ошди. Қишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш тартиби эса 22 йил олдин қабул қилинган, бу эса бугунги ислоҳотлар талабига жавоб бермайди.

Шу боис, кейинги йилларда тизимни тубдан ислоҳ қилишга доир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, комплекс чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, соҳани тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 2020 йил 7 сентябрда Президентимизнинг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2022 йил 20 октябрда ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш бўйича ишларни тўлиқ янгиланган форматда олиб бориш самарадорлигини ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Давоми 2-бетда

**Минтақавий ва халқаро тузилмалар — БМТ, ЖСТ, МДҲ, ШҲТ, ТДТ доирасидаги мулоқотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Шунингдек, минтақамиз давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувлари ва “Марказий Осиё плюс” форматидаги саммитлар кун тартиби янги таклиф ва ташаббуслар билан бойимоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Халқаро ҳамкорлик

# ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ИЖОБИЙ ЎСИШ ДИНАМИКАСИ



**Қодир ЖЎРАЕВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари*

**Ён қўшнимиз Қирғизистон мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорларидан. Давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган 1993 йилдан буён ўзаро муносабатларни тартибга солувчи 250 дан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Энг асосийлари сифатида Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, Стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация ҳамда Ҳар томонлама стратегик шериклик тўғрисидаги декларация кабиларни санаб ўтиш мумкин.**



2016 йилдан икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янги юксалиш даври бошланди. Бунга икки давлат етакчилари ўртасидаги тўғридан тўғри ва самарали мулоқотларнинг мисли кўрилмаган юқори даражаси ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Бугунга келиб давлатлар ўртасида ҳеч қандай сиёсий муаммо қолмади. Президент Садир Жапаров “Қирғизистон учун Ўзбекистон жуда яқин қўшни, содиқ дўст ва ишончли стратегик ҳамкордир”, дея таъкидлади.

Ҳозир ўзбек-қирғиз муносабатларидаги ижобий ўсиш динамикасини барча жабҳада кузатиш мумкин. Масалан, 2016 йилдан 2023 йилгача ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми салкам 7 баробар ўсиб, 167,5 миллион доллардан қарийб 1 миллиард долларга етди. Жорий йил бошидан буён эса бу рақам 21 фоиз ўсиб, салкам 400 миллион долларни ташкил этди.

Яқин истиқболда мамлакатлар ўзаро товар айланмаси суммасини 2 миллиард долларга етказишни режалаштирмоқда. Ушбу маррага эришиш учун етарли салоҳият ва имконият мавжуд. Энг муҳими, ҳамкорликка интилиш ҳар икки томонда ҳам кучли намоён бўлмоқда.

Бугун томонлар транспорт-коммуникация, энергетика, сув хўжалиги ва бошқа турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириб бормоқда. Икки мамлакат чегараолди вилоятлари ҳокимлари кенгаши ҳам ташкил қилинган. Шу пайтгача унинг 4 та йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Қирғизистон капитали иштирокида 260 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Қўшни давлат ҳудудида Ўзбекистон резидентлари иштирокида 70 та корхона ишламоқда.

Икки давлат ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоҳида ўринга эга. Ҳозир қардош ҳамда қондош ўзбек ва қирғиз халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилувчи қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, 2023 йилда Ўш шаҳридаги Бобур номли давлат академик ўзбек мусиқали драма театри Ўзбекистон томонидан тўлиқ реконструкция қилинди. Юртимизда буюк ёзувчи Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган “Икки халқнинг суюкли ўғлони” китоби тақдимоти ҳамда қўшма концерт дастури кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Бундан ташқари, жорий йил апрелда Бухоро шаҳрида Халқаро турк маданияти ташкилоти (ТУРКСОЙ) билан ҳамкорликда ташкил этилган туркий давлатлар ёш ижодкорлари анжумани ҳамда Хива шаҳрида ўтказилган “Лазги” халқаро рақс фестивалида Қирғизистон делегациялари фаол иштирок этди.

> **Ҳозир ўзбек-қирғиз муносабатларидаги ижобий ўсиш динамикасини барча жабҳада кузатиш мумкин. Масалан, 2016 йилдан 2023 йилгача ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми салкам 7 баробар ўсиб, 167,5 миллион доллардан қарийб 1 миллиард долларга етди. Жорий йил бошидан буён эса бу рақам 21 фоиз ўсиб, салкам 400 миллион долларни ташкил этди.**

Кўп қиррали ҳамкорлигимизда парламентлараро алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади. Президентимизнинг 2017 йили Қирғизистонга давлат ташрифи давомида Олий Мажлис ва Жогорку Кенеш ўртасида парламентлараро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланган эди. Бугун парламентлараро алоқалар ушбу меморандум асосида изчил ва тизимли асосда ривожланиб бормоқда.

Парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни юқори даражага олиб чиқиш мақсадида 2020 йили Парламентлараро комиссия ташкил қилинди. Ҳозир мазкур комиссия йиғилишлари мунтазам тус олган. Унинг тўртинчи мажлиси жорий йил июнда Чўлпонота шаҳрида ўтди.

Бир қарашда анча чигал ва ечими йўқдек кўринган чегара масаласи томонларнинг қатъий хоҳиш-иродаси туфайли 2022 йили алоҳида шартнома орқали узил-кесил ҳал қилинди. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши томонидан ратификация қилингач, 2023 йилда кучга кирди. Ўтган вақт ичида мамлакатларимиз ўртасидаги давлат чегараларининг умумий участкасини тўлиқ демаркация ва делимитация қилиш ишлари якунланди.

Бу эса, ўз навбатида, ўзаро борди-келдиларни кескин кўпайтириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини таъминлаш учун чегара ҳудудида ўсимлик ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш имконини бермоқда.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон стратегик темир йўлини қуриш бўйича дастлабки аниқ қадамлар ташланди, Қамбарота ГЭС-1ни ишга тушириш лойиҳалари бўйича эришилган давлатлараро аҳдлашувлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Минтақавий ва халқаро тузилмалар — БМТ, ЖСТ, МДҲ, ШҲТ, ТДТ доирасидаги мулоқотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Шунингдек, минтақамиз давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувлари ва “Марказий Осиё плюс” форматидаги саммитлар кун тартиби янги таклиф ва ташаббуслар билан бойимоқда.

Президент Садир Жапаровнинг мамлакатимизга ташрифи муносабатларимизда тарихий саҳифа очиши шубҳасиз. Бўлажак олий даражадаги учрашувлар, очиқ ва конструктив руҳдаги мулоқотлар яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида муштарак иродани намоён этади. Ўзаро муносабатларни янги мазмун-моҳият билан тўлдиради.

Сув-энергетика, транспорт-коммуникация тармоқлари, савдо-сотиқ, тўқимачилик, автомобилсозлик, маданий-гуманитар йўналишлар бундан кейин ҳам ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналиши бўлиб қолишини ҳозирдан прогноз қилиш мумкин.

Биз ўзбек-қирғиз муносабатларининг динамик равишда изчил ривожланиб бораётганидан бениҳоят мамнунмиз. Эндиги вазифа — барқарор ўсиш суръатини муттасил ошириб бориш ва халқларимизнинг умумий фаровонлигини таъминлаш йўлида ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, муносабатларимизни иттифоқчилик мақомига кўтаришдан иборат.

Долзарб мавзу

# ҲАР ҚАРИЧ ЕР МАНФААТ КЕЛТИРИШИ КЕРАК



**Лутфулла СУВОНОВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

**Бошланиши 1-бетда**

Қарорда белгиланган вазифалар ижроси доирасида Кадастр агентлигининг Тошкент геодезия ва картография коллежи тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази” ташкил этилди.

Марказ бугунги кунда қўмита ҳамда тегишли идоралар раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг ер тузиш, геодезия, картография, топография ҳамда давлат кадастрлари соҳасида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни етказиб бериш ва услубий ёрдам кўрсатиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Давлат кадастрларининг барча йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида ўқув жараёнига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, соҳада кўп йиллик амалий тажрибага эга мутахассислар, маслаҳатчи ва экспертлар жалб этилмоқда.

Натижада малакали кадрлар орқали тизим фаолияти янада шаффофлаштирилди, жараёнлар эса рақамлаштирилди. Бу орқали қоғозбозликка барҳам берилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудлардаги иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, иш ўринлари ва инвестиция оқими, аввало, ерга боғлиқ. Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, охирги уч йилда рақамлаштириш ҳисобига 40 миллион гектар ёки жами ерларнинг 90 фоизи кадастрда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Президентимиз раислигида ўтган йил 21 ноябрь куни ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларининг сифатини яхшилаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳа мутасаддиларига бир қатор вазифалар белгилаб берилганди.

— Ернинг давлат рўйхатидан ўтказилиши бизга тадбиркорлик субъектлари, жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган мавжуд ер участкалари чегара майдонлари, уларнинг ҳуқуқ турини белгиловчи ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, электрон маълумотлар базасини шакллантириш имконини берди, — дейди Кадастр агентлиги бош мутахассиси Бекзод Отабеков. — Бу билан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қатор қулайликлар яратилди. Натижада бўш ер участкаларини аниқлаш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ёки ер ажратиш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш каби жараёнларда қатор енгилликларга эга бўлдик.

Электрон маълумотлар базаси шакллантирилгани аҳоли ва юридик шахсларга ёки ер участкасини олишни мақсад қилган фуқароларга келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган низоли ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Соҳада замонавий аэрофотокамера ва дронлар қўлланилаётгани натижасида кўп захиралар аниқланмоқда. Шунинг учун Кадастр агентлигига туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда ўтган йил якунигача аэросуратга олиш ишларини Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда водий вилоятларида, жорий йилда эса қолган ҳудудларда тўлиқ якунига етказиш вазифаси қўйилган эди.

— Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида айни пайтга қадар 45 минг 600 квадрат километрдан ортиқ майдон аэросуратга олинди, — дейди Кадастр агентлиги бўлим бошлиғи Ихтиёр Эргашев. — Аэросуратга олиш ишлари жойнинг ҳозирги ҳолатдаги кўринишини тасвирлаш учун керак. Ва ўша жойнинг ҳолати асосида ердан фойдаланиш ёки ўзбошимчалик билан ерни эгаллаб олиш каби қонунбузилиш ҳолатлари аниқланади.

Аэросуратга олиш ишлари, асосан, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларига тўғри келади. Натижада улар ёрдамида тизим ташкилотлари жойларнинг ўрта фотопланларини яратмоқда. Ундан ер назорати, кадастр ҳисобини юритиш, топографик хариталарни тузиш ишларида фойдаланиб келинмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Йиғилишда агентлик ва 10 та олий ўқув юрти ректорлари ҳамкорлигида замонавий лабораториялар ташкил қилиш, янги ўқув адабиётлар билан таъминлаш ва хориждан малакали мутахассислар олиб келиш борасида ҳам кўрсатмалар берилган эди.

— Шу йил апрелида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан соҳада салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, олийгоҳ битирувчиларини кадастр соҳасида малака ошириш амалиётини ташкил этиш ва тизимни тажрибали мутахассислар билан тўлдириш мақсадида қўшма қарор қабул қилинди, — дейди Кадастр агентлиги бош мутахассиси Гулчеҳра Абдуллаева. — Мазкур ҳужжатга кўра, 10 та олий таълим муассасаси, хусусан, Давлат кадастрлар марказий аппаратида Ўзбекистон миллий университети кафедраси, Давлат кадастрлар палатаси Тошкент шаҳар бошқармасида Техника университети, Республика аэрогеодезия марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда ҳудудлараро кафедра филиаллари очилди ҳамда соҳага оид замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ҳозир бу жойларда иш фаолияти бошланган. Олий таълим муассасалари талабалари амалиётни дала полигонлари ва бевосита ана шу филиалларда ўтамоқда.

> **ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 8 ИЮЛДАГИ “ҲУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ВА БЎШ ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ҲАМ АЙНИ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР.**



Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган даврида кадастр соҳасида фаолият юритадиган 30 дан ортиқ мутахассис хорижнинг нуфузли ташкилот ва компанияларида малака оширди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ривожланишини ҳисобга олиб, табиий ва хўжалик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини мажмуавий таҳлил этиш ва баҳолаш бугунги куннинг энг зарур масалаларидан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан бўлган кадастр тизими ривожланишнинг асосий тамойиллари ва мазмунига тўла мувофиқ келади ҳамда иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Шаҳар ва туманлар чегараларини белгилаш ҳам агентлик олдида турган долзарб вазифалар сирасидан ҳисобланади. Айни мақсадда Кадастр агентлиги томонидан ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий вилоятлари чегаралари белгиланиб, чегара тавсифи ва чизмалари ҳудудий ҳокимликларга тақдим этилган. Жорий йилнинг ўтган даврида эса қолган ҳудудлар ва 194 шаҳар ҳамда туманнинг чегаралари белгиланиб, ҳудудий комиссияларда кўриб чиқиш, тасдиқлаш учун тақдим этилди. Айни пайтда бешта вилоятнинг ҳудудий комиссиялари ушбу жараённи якунлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тайёрлади.

Бундан ташқари, чегара чизиғи ва тавсифлари чизмалари тайёрланган 194 шаҳар ва тумандан ҳозирги кунда 22 тасиники ҳудудий кенгашларда тасдиқланган бўлса, 39 тасиники чегара чизиғини тасдиқлаш учун ҳудудий кенгашларга киритилган. Қолган туман ва шаҳарлар чегараларини белгилаш бўйича тайёрланган ҳужжатлар келишиш ва кенгашларга киритиш жараёнида.

Тақдим этилган давлат кадастрлари маълумотлари асосида янги интеграциялашган географик ахборот тизими ишга туширилди ва ер майдонларининг электрон хариталари яратилди. Ушбу ахборот базаси вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимликлар, солиқ органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун зарур маълумотларни қийинчиликсиз олишга хизмат қилмоқда.

Марказ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатимизда соҳани ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида ажратилаётган грантлар асосида соҳа мутахассисларини хорижда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, тажриба алмашишни йўлга қўйиш борасида изланяпти.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 июлдаги “Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам айни мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, эндиликда ҳар бир шаҳар ва туман ҳудудий имконияти ва драйвер соҳаларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқиладиган мастер-режалар асосида ривожлантирилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, ҳудудларда замонавий турар жой бинолари ва ижтимоий соҳа объектларининг бунёд этилиши ернинг қимматли ресурсга айланишига олиб келди. Агар бу жараёнда қурилиш учун ер ажратиш ишлари маълум бир талаблар асосида ташкил этилмаса, кўплаб муаммолар юзага келиши мумкин.

Биринчидан, шаҳарсозлик ва қурилиш нормалари бузилиши, иккинчидан, хусусий мулк дахлсизлигига путур етиш эҳтимоли катта. Мазкур қарор эса соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш, ҳудудлар қиёфасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, ердан фойдаланиш тартибларини такомиллаштиришда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

— Қарорга мувофиқ, жорий йилда тўрт хил йўналишда 136 та мастер-режа тайёрланади, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Шарофиддин Шарипов. — Улар ҳудуднинг инфратузилмага бўлган эҳтиёжини баҳолаш, шу жумладан, бўш ер участкаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари учун зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилма объектлари параметрларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Эътиборли жиҳати, мастер-режалар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг таклифлари асосида ишлаб чиқилади.

Хусусан, биринчи йўналишда 38 та туман ва шаҳарда урбанизация жараёнларини жадаллаштириш ҳамда агломерация ҳудудларини ташкил этишга қаратилган мастер-режалар ишлаб чиқилади. Унда, асосий эътибор аҳолининг дам олиши учун қулай шароитлар яратишга қаратилади.

Иккинчи йўналишда мавжуд туризм салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётган 20 та туман ва шаҳар танлаб олинди. Бунда туризм салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни жалб қилиш, туризм масканларини ташкил этиш масалалари ўрин олган мастер-режалар ишлаб чиқилади.

Учинчи йўналишда Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда 10 та туман ва шаҳарни комплекс иқтисодий ривожлантиришга қаратилган мастер-режалар ишлаб чиқилади. Тўртинчи йўналишда халқаро автомобиль йўллари бўйида жойлашган 68 та шаҳар ва туманда йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш мақсад қилинган.

Ҳужжат талаблари асосида 2024 йил 1 августдан жорий йил якунига қадар белгиланган мастер-режаларга мувофиқ, замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва сервис объектлари, шу жумладан, жойлаштириш воситалари, турар жойлар, савдо-кўнгилочар марказларни ташкил қилиш учун мастер-режа ҳудудидаги ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилади.

Қарор билан мастер-режаларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўп қаватли ва якка тартибдаги уй-жойлар мажмуаларини ташкил қилиш, аҳоли гавжум бўлган шаҳар ҳудудларидан оқиб ўтувчи сув бўйларини ободонлаштириш, пиёдалар ва велосипед йўлакларини қуриш, улар атрофида енгил конструкцияли кўчма савдо ва сервис шохобчаларини ташкил этиш, ҳудудларда аҳоли, туристлар ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шароитлар яратиш йўналишларнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Ҳужжатга кўра, ҳудудларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда мастер-режалар сони ва кўламидан келиб чиқиб, уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Лойиҳа офислари ташкил қилинади.

Лойиҳа офислари туман ва шаҳарларда мастер-режа ҳудудларини аниқлаш, тегишли ташкилотлар билан биргаликда ушбу ҳудудлар чегараларини белгилаш ва унинг тасдиқланишини таъминлайди. Мастер-режаларни ишлаб чиқишда буюртмачилар билан яқиндан ишлаб, уларга техник топшириқларни тайёрлаш, жараёнга жалб этиладиган ташкилотларни аниқлашга кўмаклашади. Шу билан бирга, мастер-режаларга мувофиқ ер участкаларини аукцион савдоларига чиқариш ва ташаббускорларни жалб қилишни ташкил қилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор урбанизация жараёнларини тезлаштириш, уй-жойлар ва ижтимоий соҳа иншоотларининг комплекс тарзда барпо этилиши, туризм ва хизмат кўрсатиш тармоғининг кенгайиши, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда аҳоли учун қулайликлар ошишига хизмат қилади.

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

# АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жорий йил октябрда режалаштирилган сайлови ҳам айнан аралаш сайлов тизими асосида ўтказилади.**



**Худоёр МАМАТОВ,**
*Марказий сайлов комиссияси котиби, юридик фанлар доктори, профессор*

Бошланиши 1-бетда

## Аралаш сайлов тизими

Аралаш сайлов тизими ўзида иккита — пропорционал ва мажоритар сайлов тизимини уйғунлаштирган. Унда вакиллик органидаги депутатлик ўринларининг бир қисми депутатликка номзодларнинг партия рўйхатига мувофиқ сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда, иккинчи қисми эса бевосита сиёсий партия томонидан бир мандатли сайлов округларидан кўрсатилган депутатликка номзодларга берилган овозлар натижасига кўра тақсимланади.

Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жорий йил октябрда режалаштирилган сайлови ҳам айнан аралаш сайлов тизими асосида ўтказилади.

Бунда Қонунчилик палатасининг 75 депутати аввалгидек бевосита бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 депутат сиёсий партияларнинг сайловда олган овозлари сонига пропорционал тарзда, партия томонидан тақдим этилган депутатликка номзодлар рўйхати бўйича сайланади.

Мажоритар сайлов тизими бўйича сиёсий партия бир мандатли сайлов округларининг ҳар биридан биттадан, жами 75 та депутатликка номзодни кўрсатиш ҳуқуқига эга. Пропорционал сайлов тизимида ягона сайлов округи бўйича сиёсий партия томонидан тақдим этилган депутатликка номзодларнинг рўйхатига камида 75, кўпи билан 100 нафар номзод киритилиши лозим.

Сайлов кодекси талабларига мувофиқ, партия рўйхатига киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас. Айни бир номзод фақат битта партия рўйхатига киритилади.

Бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар ҳам партия рўйхатига киритилиши мумкин эмас. Депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда белгиланади.

Аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида қирқ фоизини (аввал бу миқдор ўттиз фоиз эди) ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига аралаш сайлов тизими бўйича сайлов ўтказилиши муносабати билан ҳар бир сайловчига сайлов куни мажоритар сайлов тизими бўйича битта, пропорционал сайлов тизими бўйича ҳам битта, жами иккита сайлов бюллетени берилади.

Бу ерда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

— мажоритар сайлов тизимида: бир мандатли сайлов округлари бўйича ўтказиладиган сайловда сайлов бюллетенига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг исм-шарифи киритилган бўлади;

— пропорционал сайлов тизимида: Қонунчилик палатаси депутатларининг ягона сайлов округи бўйича ўтказиладиган сайловда сайлов бюллетенига сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг номи киритилади.

Сайлов бюллетенини тўлдиришда сайловчи мустақил равишда қарор қабул қилади, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади, шу тариқа ўзи маъқул деб топган депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беради.

## Мажоритар сайлов тизими

Мажоритар сайлов тизими давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларини (парламент, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар), шунингдек, давлат раҳбарини сайлаш учун ўтказиладиган сайлов тизими бўлиб, унда, асосан, бир мандатли сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Кам овоз олган номзодлар учун берилган сайловчилар овози инобатга олинмайди. Масалан, Ҳиндистон, Буюк Британия, АҚШ ва Мексика каби давлатларда мажоритар сайлов тизими мавжуд.

Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқида мажоритар сайлов тизимининг учта турдаги кўриниши — мутлақ, малакали ҳамда нисбий кўпчилик овозга асосланган кўринишлари мавжуд.

***Мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар сайлов тизимида*** бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг (50 фоиз + 1 ва ундан ортиқ) овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Бундай сайлов тизими Россия, Украина, Финляндия, Польша, Чехия, Литва каби давлатларнинг парламент депутатлари сайловларида амал қилади.

Кўппартиявийлик шароитида ўтказиладиган сайловларнинг биринчи туридаёқ овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини тўплаш ўта мураккаб. Агар бир мандатли сайлов округидан уч ёки ундан ортиқ номзод сайловда иштирок этаётган бўлса-ю, биринчи тур сайловида ҳеч бир номзод мутлақ кўпчилик овозни тўплай олмаса, унда сайлов округи бўйича сайловчиларнинг энг кўп овозларини тўплаган икки номзод ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўтказилган сайловлар амалиётидан маълумки, беш нафар номзод иштирок этган бир мандатли сайлов округларида биринчи турдаёқ овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг кўпчилиги овозини олишда муайян қийинчиликлар кузатилган. Шунинг учун сайловларда иккинчи турлар ўтказиб келинган. Масалан, 2019 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир юз элликта бир мандатли сайлов округидан 25 тасида иккинчи тур сайлови, яъни такрорий овоз бериш бўлиб ўтган. Бу, албатта, вакиллик органларини тўлиқ шакллантиришда қўшимча вақт талаб қилади. Такрорий овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш учун қўшимча ресурс ва маблағ сарфланади.



**Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқида мажоритар сайлов тизимининг учта турдаги кўриниши — мутлақ, малакали ҳамда нисбий кўпчилик овозга асосланган кўринишлари мавжуд.**

***Малакали кўпчилик овозга асосланган мажоритар сайлов тизимида*** бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг қонунчиликда белгиланган талабга мувофиқ 2/3 ёки 3/4 қисми овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Кўриниб турибдики, бу усул мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар сайлов тизимидан ҳам мураккаброқ.

Амалиётда асосан, бу усулдан кўпроқ Конституция, конституциявий қонунларни қабул қилиш ёки Конституцияга оид бошқа масалаларни ҳал этишда, айрим ҳолларда давлат ва ҳукумат раҳбарини сайлашда фойдаланилади. Масалан, Конституциямизда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг **камида учдан икки қисми**дан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган конституциявий қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади", деб аниқ белгилаб қўйилган.

Хорижий давлатлар амалиётига эътибор қаратсак, Италия Конституциясида парламент томонидан мамлакат Президентини сайлашда депутатларнинг камида 2/3 қисмининг овозини йиғиш талаб этилиши белгиланганини кўришимиз мумкин.

***Нисбий кўпчилик овозига асосланган мажоритар сайлов тизимида*** бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Ушбу сайлов тизими Буюк Британия, Япония, АҚШ каби давлатларда парламент депутатлари сайловида амал қилади.



Ҳозирги демократик давлатларда кўппартиявийлик шароитида ўтказиладиган сайловда айнан нисбий кўпчилик овозига асосланган мажоритар сайлов тизимидан фойдаланиш қулай, содда ва энг мақбули саналади. Чунки бир мандатли сайлов округидан қанча номзод кўрсатилган бўлишидан қатъи назар, бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган номзод сайланган ҳисобланади. Бунда такрорий овоз бериш ёки сайловнинг иккинчи турини ўтказишга эҳтиёж қолмайди. Натижада ортиқча вақт, ресурс ва маблағ сарф-харажатининг олди олинади. Вакиллик органлари тўлиқ таркибда, нисбатан эртароқ шаклланиши ва фаолиятини йўлга қўйиши мумкин бўлади.

**Сайловда иштирок этган сайловчиларнинг 40 фоизи қайсидир сиёсий партияни ёқлаб овоз берган бўлса, демак, мазкур сиёсий партия Қонунчилик палатасида мавжуд 75 та депутатлик ўрнининг 40 фоизи, яъни тахминан 30 та депутатлик ўрнини қўлга киритган ҳисобланади.**

Ушбу афзалликларни инобатга олган ҳолда Сайлов кодексига "сайловда бир мандатли сайлов округлари бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади", деган ўзгартириш киритилди. Энди мамлакатимиз вакиллик органларини шакллантириш, хусусан, бир мандатли сайлов округлари бўйича депутатларни сайлашда нисбий кўпчилик овозига асосланган мажоритар сайлов тизими амал қилади.

Аввал парламент сайловларида ҳам, халқ депутатлари кенгашлари сайловларида ҳам мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар сайлов тизими амал қилиб келган.

## Пропорционал сайлов тизими

Пропорционал сайлов тизими халқаро амалиётда мавжуд сайлов тизимларидан бири бўлиб, мажоритар сайлов тизимидан бир аср кейин вужудга келган. Сайлов пропорционал тизим асосида ўтказилганда, депутатлик мандатлари, яъни вакиллик органида мавжуд депутатлик ўринлари сиёсий партиялар томонидан шакллантирилган депутатликка номзодлар рўйхатлари учун сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда тақсимланади.

Мажоритар сайлов тизимидан фарқли ўлароқ, сайловчи бевосита депутатликка номзод шахсга эмас, балки сайловда иштирок этаётган, депутатликка номзодлар рўйхатини тақдим этган сиёсий партияга овоз беради.

Ҳозирги кунда пропорционал сайлов тизими анча кенг тарқалган, Испания, Латвия, Хорватия, Швеция, Дания каби мамлакатларда сайлов кўпинча пропорционал сайлов тизими асосида ўтказилади.

Пропорционал сайлов тизимида сайлов натижаларини аниқлашда қонунчиликда вакиллик органида мавжуд депутатлик мандатларига даъвогарлик қилиш учун сиёсий партиялар қўлга киритиши зарур бўлган овозларнинг асосан тўрт ёки беш фоизлик энг кам миқдори (ўтиш планкаси, барьери) белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Сайлов кодексига, Қонунчилик палатасига сайловда ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг **камида етти фоиз** овозини олган сиёсий партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади.

Сайловда иштирок этаётган сиёсий партия қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордаги ёки ундан кўпроқ сайловчиларнинг овозини тўплай олсагина, унга депутатлик мандатлари тақсимланади. Бунинг учун, аввало, сайловчилар берган овозлар вакиллик органида мавжуд депутатлик ўринлари сонига бўлинади. Натижада битта мандат (депутатлик ўрни) учун тўпланиши лозим бўлган овозлар миқдори маълум бўлади ва у сайлов коэффициенти ҳисобланади. Сўнг сайловчиларнинг ҳар бир сиёсий партияни ёқлаб берган овозлари алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Ҳар бир сиёсий партия олган овозлар сони сайлов коэффициентига бўлинади, натижада мазкур партия эга бўлган депутатлик ўринларининг умумий сони аниқ бўлади.

Одатда пропорционал сайлов тизимининг икки хил кўриниши мавжуд. **Биринчиси,** умумдавлат даражасидаги пропорционал сайлов тизимида мамлакат ҳудуди сайлов округларига бўлинмайди. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилаётган депутатликка номзодларнинг партиявий рўйхати бутун мамлакат ҳудуди бўйича шакллантирилган ҳолда тақдим этилади. Сайловчилар ушбу партиявий рўйхатни инобатга олган ҳолда сиёсий партияларни ёқлаб овоз беради (парламентдаги депутатлик мандатлари партияларнинг олган умумий овозларига мутаносиб равишда ягона сайлов округи бўйича тақсимланади).



**Иккинчиси,** кўп мандатли округларга асосланган пропорционал сайлов тизимида мамлакат ҳудуди йирик маъмурий-ҳудудий бирликларни инобатга олган ҳолда сайлов округларига бўлинади. Сиёсий партиялар томонидан сайлов округлари кесимида депутатликка номзодларнинг партиявий рўйхатлари тақдим этилади. Бунда сайловчилар депутатликка номзодларнинг партиявий рўйхатларини инобатга олган ҳолда сайлов округлари кесимида сиёсий партияларни ёқлаб овоз беради (парламентдаги депутатлик мандатлари партияларнинг ҳар бир сайлов округида олган овозларига мутаносиб равишда, сайлов округлари кесимида тақсимланади).

Хуллас, пропорционал сайлов тизимида сайловчилар сиёсий партияларга овоз беради. Қайси сиёсий партия қанча овоз олганига қараб депутатлик ўринларига эга бўлади. Сайлов кодексига мувофиқ, Қонунчилик палатасидаги бир юз элликта депутатлик ўрнидан етмиш бештаси пропорционал сайлов тизими бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб ҳолда тақсимланади.

Масалан, сайловда иштирок этган сайловчиларнинг 40 фоизи қайсидир сиёсий партияни ёқлаб овоз берган бўлса, демак, мазкур сиёсий партия Қонунчилик палатасида мавжуд 75 та депутатлик ўрнининг 40 фоизи, яъни тахминан 30 та депутатлик ўрнини қўлга киритган ҳисобланади.

Пропорционал сайлов тизимининг афзалликларидан бири оралиқ сайлов, яъни муддатидан олдин бўшаб қолган депутатлик ўрни учун сайлов ўтказилмаслигида намоён бўлади. Чунки сайловчилар сайлов кампанияси даврида пропорционал сайлов тизими бўйича сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган депутатликка номзодларнинг партия рўйхатини инобатга олган ҳолда сиёсий партияларни ёқлаб овоз бериб бўлган. Ҳар бир партия рўйхатида 75 нафардан 100 нафаргача депутатликка номзод мавжуд.

Сайлов якуний натижаларига кўра, бирор сиёсий партия эллик фоиз сайловчилар овозини олган тақдирда ҳам у томонидан тақдим этилган рўйхатдаги депутатликка номзодларнинг кўпи билан 38 нафари депутат этиб сайланади, партия рўйхатида қолган 37 нафардан 62 нафаргача номзод захирада туради. Пропорционал сайлов тизими бўйича қайси партиядан сайланган депутатнинг ваколати муддатидан илгари тугатилса, унинг ўрни ушбу партиянинг партия рўйхатида захирада бўлган депутатликка номзодларнинг навбатдагиси ҳисобига тўлдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, аралаш сайлов тизими жамиятда сайловчиларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилади. Зеро, сайловчи нафақат номзодларнинг шахси, балки дастурлари, ғоялари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ турмушини янада фаровонлаштириш бўйича илгари сураётган таклифлари билан ҳам яқиндан танишади, ўрганади, уларни реал ҳаётда нечоғлик татбиқ этиш имкониятлари мавжудлигини баҳолайди. Шундан сўнг муайян қарорга келади ҳамда ўзи лозим топган номзодни ва сиёсий партияни қўллаб-қувватлайди.

Аралаш сайлов тизимида сиёсий партияларнинг масъулияти янада ортади. Қайси сиёсий партия ўз дастури орқали мақсадлари, жозибадор ғояларини ифода этиб, уларни рўёбга чиқариш учун реал имкониятларга эга эканига халқни ишонтира олса, бунинг учун муносиб ҳаракат қилса, аҳоли томонидан кенгроқ қўллаб-қувватланишга, сайловчиларнинг кўпроқ овозини олишга эришади.

Таҳлил

# ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК

## Оддий одамлар ҳаётида қандай ўзгаришларга йўл очади?




Бошланиши 1-бетда



Масалан, дунё давлатларига очилиш, иқтисодиётда давлат улушини сезиларли камайтириш, монополияга чек қўйиш ва ҳоказо. Шуларга тайёр бўлган давлатларгина ЖСТга кириш талабларини бажара олади. Бундан ташкилотга аъзо бўлган мамлакат кўпроқ манфаат кўради. Айтайлик, россиялик иқтисодчилар ЖСТга кириш учун талаб этиладиган ислоҳотларни бажариш орқали қисқа муддатда иқтисодиёт 3 фоиз, ўрта муддатда эса 11 фоиз ўсишини ҳисоблаган. Амалда эса бу кўрсаткич бир неча баробар салмоқли бўлди. Буни бошқа давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, юқори ўсиш кўрсаткичи ЖСТга кириш туфайли эмас, балки унгача бўлган жараёндаги ислоҳотлар натижаси, холос.

Ўзбекистон охирги йилларда ЖСТга кириш ҳаракатини фаоллаштирганида ҳам шундай ислоҳотларга тайёрлигини намоён қилди. Намоён қилибгина қолмай, уларни амалиётга кўчира бошлади. Гарчи мамлакатимиз иқтисодиёти у қадар йирик эмаслиги боис, ташкилотнинг бизга қўядиган талаблари катта бўлмаса-да, қилиниши керак бўлган ишлар етарлича.

Аслида, ЖСТ талаблари аллақачон қилиниши керак бўлган ислоҳотлар. Улар кечиктирилгани сари халқаро майдонга мослашув ортга сурилаверади. Ваҳоланки, Ўзбекистон кейинги 7 йилда ҳар жиҳатдан дунёга очилган давлат сифатида бошқа мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик тарафдори.

ЖСТга қўшилиш бу ҳамкорликни янада кенгайтириб, мутлақо янги босқичга олиб чиқади. Буни тушунганимиз ҳолда кейинги йилларда ташланаётган қадамлар жиддийлашди. Ўзбекистон 2026 йилгача ташкилот аъзолигига эришмоқчи. Бу борада халқаро ташкилот томонидан ўтказиладиган ишчи гуруҳ йиғилишлари жуда муҳим. Мамлакатимиздаги сўнгги учта ишчи гуруҳ йиғилиши 2022 йил июнь, 2023 йил март ҳамда ноябрь ойида ўтказилганига кўра, 2024 йил майдаги йиғилиш анча тез амалга ошганини кўриш мумкин. Бу ҳукуматнинг ЖСТга аъзо бўлишни тезлатишга уринаётганидан далолат.

Шу мақсадда мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида халқаро стандартларга мослашиш жараёни жадаллашиб, ҳуқуқий асослар яратила бошлаганини ҳам инкор этолмаймиз. Президентимизнинг жорий йил 3 июндаги “Бозор ислоҳотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳам ЖСТга аъзо бўлиш йўлидаги жиддий ва салмоқли қадам бўлди.

### Барчага тенг шароит

Жаҳон савдо ташкилоти нуфузи ва ўрни жиҳатидан дунё иқтисодиётида катта таъсирга эга. Ташкилотга аъзо бўлиш 166 давлат билан кенг савдо алоқалари ўрнатиш имкониятини беради. Дунё савдосининг 99 фоизи ана шу ташкилот аъзолари ҳиссасига тўғри келишини ҳисобга олсак, кўламни тасаввур қилиш қийин эмас.

— Ўзбекистоннинг бозордаги анъанавий ҳамкорлари ўрнини янги ва йирик иқтисодиётга эга мамлакатлар эгаллайди, — давом этди Беҳзод Ҳошимов. — Ҳозир мамлакатимиз Россия, Молдова, Қозоғистон, Тожикистон каби саноқли давлат билан эркин савдо шартномасига эга. Бу мамлакатлар дунё иқтисодиётининг 3 фоизини ҳам ташкил қилмайди. Бундан ташқари, биз атиги 47 давлат билан “Энг мақбул савдо ҳамкор” (MFN) режимини назарда тутувчи шартномага эгамиз. Лекин бу ЖСТнинг худди шу режимидан анча фарқ қилади.

Иқтисодиётдаги юқори тариф ва нархлар, импорт ва экспортдаги чекловлар, эркин савдодаги чегаралар бунда яққол кўзга ташланади. Масалан, импорт ва экспортдаги юқори бож тўлови, нотариф барьерлар, савдо солиқлари, экспортдаги чекловлар — ўзимизга ўзимиз қўллаётган “санкциялар”дир.

Жаҳон бозорига кенг очилиш учун булардан чиқиб кетиш керак. Чунки ЖСТнинг энг асосий талабларидан бири иқтисодиётда барчага тенг шароит яратишдан иборат. Бу ўз-ўзидан хусусийлаштиришни кенгайтириш, монополияга чек қўйиш, эркин ва очиқ савдо муҳити яратишни назарда тутади.

Биз жаҳондаги узун ва мураккаб технологик ишлаб чиқариш занжирининг бир қисмига айланишимиз зарур. Бунга эса юқори тарифлар билан эришолмаймиз. Дунё бозорига очилар эканмиз, амалий саъй-ҳаракатларни ҳам шунга мослаштиришимиз керак.

Масалан, импортни чеклаш озиқ-овқат хавфсизлиги мантиғига зид ва аҳоли даромадини ҳам қисқартиради. Савдодаги тўсиқларни тўлиқ олиб ташлаш эса фаровонликни оширишга хизмат қилади. Иқтисодиётдаги ислоҳотларнинг асоси, энг аввало, одамлар турмуш тарзига бевосита таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан ҳам ЖСТга аъзолик муҳим жараён.

Оддий одамлар фаровонлиги ва камбағаллик даражаси ҳақида кўп фикримни билдирганман. Ўзбекистонда камбағаллик даражаси унчалик юқори эмас. Билишимча, бу тахминан 17 фоиз атрофида (Статистика агентлиги маълумотига кўра, ўтган йили бу кўрсаткич 11 фоизни ташкил этган). Камбағалликнинг мавжудлиги асоси эса иқтисодий ўсиш билан боғлиқ. Бу кўпроқ иш ўрни яратилиши, иқтисодий соҳаларни ривожлантириш ва бошқа кўплаб омилларга бориб тақалади.

Юртимиз шароитида аҳоли даромади ўсишида биринчи зарурий омил иқтисодиётда самарадорликни оширишдир. Ўзбекистонда бошқа ривожланаётган давлатлардаги каби самарадорлик, меҳнат унумдорлиги нисбатан паст. Бунинг сабабларидан бири эса иқтисодиётда етарлича рақобат йўқлиги ҳамда барча муҳим секторда давлатнинг улуши баландлигидадир. Бу ўз-ўзидан рақобатни чеклайди. Рақобат бўлмаган бозорда эса самарадорлик ҳам ошмайди. Бунинг ечимларидан бири шуки, давлат ўз улушини хусусий секторга бериши керак.



ЖСТ талабларидан бири ҳам айнан шундай. Халқаро ташкилот иқтисодий ривожланишда давлат эмас, хусусий ташкилотлар улуши ва манфаатдорлиги юқори бўлиши тарафдори. Муайян тоифадаги корхоналарга бериладиган имтиёзлар, яъни монополияга йўл қўйиш жиддий қораланади. Эркин бозор муҳитида ҳамма тенг рақобатга киришиши, имтиёз ва шароитлар барча учун бир хил бўлиши талаб қилинади. Ҳатто оддий одамлар ҳам ўша имтиёзлардан эркин фойдалана олиши керак.

Масалан, импортга қўйиладиган юқори бож ва чекловлар ҳар доим ва ҳар ерда иқтисодиётни қисқартириб, катта зарар етказади. Янада долзарблиги шундаки, бу зарар бутун халққа тенг тақсимланади. Бож ва тақиқлардан манфаатдорлар эса чегараланган гуруҳ бўлиб, катта фойда кўради. Шу боис, улар кўпроқ фойда олиш мақсадида бож ва тақиқларни кучайтиришга ресурс аямайди. Бундан жабр кўрадиган халқ ва иқтисодиёт эса ундай сиёсий кучга эга эмас.

Ана энди масаланинг асосий қисмига ўтамиз: хўш, ЖСТга аъзо бўлиш оддий одамларга нима беради? Бу борада шиширилган рақамларни келтириш ниятим йўқ. Таҳлилларга кўра, ЖСТга кирганимиз фойдаси дарров сезилмайди. Тўғри, қўшимча 1 фоиз ўсиш бўлса ҳам аҳолининг йиллик даромади 20 долларга ошади, буни шунчаки сезмай қолиш ҳам мумкин.

Бироқ халқаро ташкилотга киришимизга қаршилик кўрсатаётган гуруҳларнинг айримларига таъсир сезиларли бўлади. Чунки улар олаётган имтиёз камаяди. Айнан шунинг учун ҳам, назаримда, савдо эркинлашуви масаласида олдинга силжиш қийинроқ кечаётгандек. Савдодаги эркинлик эса ЖСТнинг асосий талабларидан.

Умуман, бу каби талабларнинг бажарилиши осон ва тезкор жараён бўлмаса-да, имконсиз ҳам эмас. Шу жиҳатдан 30 йилдан буён Жаҳон савдо ташкилотига кирмаётганимиз кўпроқ ўзимиз билан боғлиқ ва бу тараққиётга халал бераётган ғовлардан бири, деб биламан. Айни пайтда жараён жадаллашгани яхши, аммо буни сусткаштириб бўлмайди. Мақсадни охиригача етказиш керак. Зеро, бунга имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Ирода ТОШМАТОВА**
**ёзиб олди.**

Янгича ёндашувлар

# АРЗОН, АММО ЖУДА ДАРОМАДЛИ

**Қишлоқ оилавий шифохонасида болакайнинг чинқираб йиғлаётгани кўпнинг эътиборини тортди. Ҳамма нима бўлганидан хавотирда. Аниқланишича, маҳалладан оқиб ўтган ариқда чўмилгани тушган боланинг оёғини ўткир тиғли жисм чуқур кесиб кетган. Жароҳат кичик жарроҳлик йўли билан бартараф этилиб, биринчи ёрдам кўрсатилди...**




Ҳамон эсимда. Болалик чоғларимизда онам ёпган кулча нонларни ариқ сувларига оқизиб, ердик. Далаларда мол-қўй боқиб юрган дамларимизда чанқоғимизни қондириш учун ариқ сувидан тўйиб-тўйиб ичиб, чўмилиб, оқардик. Болалик хотиралари билан боғлиқ бўлган ариқ бугун ҳам шовуллаб оқиб ётибди. Аммо унда сув ичиш, чўмилишнинг имкони йўқ. Сув юзини булғаётган турфа чиқиндилар, ўткир тиғли жисмлар ҳар қандай ҳолатда ҳаётингизга хавф солади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, дунёда қаттиқ ва маиший чиқиндилар аҳоли жон бошига нисбатан йилдан йилга ўсиб бормоқда. Айниқса, кундалик ҳаётимизга кириб келган бир марталик идишлар, қадоқлаш ва ҳимоя воситалари бу кўрсаткичнинг юқорилаб боришига имкон беряпти.

Фарғона тумани “Садкак” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган, “Водий махсус санитар транс” МЧЖ тасарруфига берилган “Фарғона” марказий полигони ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ташкил этилган. Бу ерда Фарғона ва Марғилон шаҳарлари, Қўштепа, Олтиариқ, Ёзёвон туманларида ҳосил бўлган маиший чиқиндилар жамланади. Умумий майдони 74 гектарни ташкил қилган чиқиндилар марказида йиллар давомида юзага келган салбий ҳолатлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди. Чиқиндилар полигони давлат-хусусий шериклик асосида ишлаш тизимига ўтказилгач, бу ердаги манзара ўзгарди. Маиший чиқиндиларни бирламчи саралаш тармоғи ишга туширилди, замонавий техникалар, сув насослари олинди, яшил белбоғлар ҳосил қилинди.

— Фарғона шаҳрида бир кунда 600 тоннага яқин чиқинди йиғилади, — дейди “Фарғона” марказий полигони раҳбари Алишер Раҳбаров. — Маиший чиқиндиларни турларга бўлган ҳолда қабул қилишга эътибор беряпмиз. Бу мақсадлар учун 15 та замонавий чиқинди ташиш техникалари жалб этилди, 175 дан ортиқ махсус чиқинди йиғиш қутилари ўрнатилди. Бугунга қадар маиший чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция (умумий қиймати 850 минг АҚШ доллари) жалб этилди. Янги тармоқ турли елим идиш, салафан пакет ва халталардан бирламчи хомашё тайёрлаган ҳолда халқ хўжалиги тармоқлари учун керакли бўлган полиэтилен қувурлар, чиқиндилар учун махсус қутилар ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган дастлабки лойиҳаларимиздан. Истиқболли режалар дастурига кўра, маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш ҳажми яна тўрт-беш ҳиссага оширилади.

Соҳа ривожи йўлида қилинаётган ислоҳотлар маиший чиқиндиларни кўмиш, ҳажмини камайтириш, санитар ва экологик меъёрлар талабларига мувофиқ келадиган замонавий қаттиқ маиший чиқинди полигонларини яратиш, мавжуд полигонларни ёпиш, рекультивация қилиш имкониятини бермоқда.

— Вилоятда юзага келаётган мавжуд чиқиндилар асосий ҳажмини қоғоз, металлом, текстиль, тери, резина, шиша, тош-шағал, полимер ва пластик, ёғоч, озиқ-овқат чиқиндилари ташкил қилади, — дейди Фарғона вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Баҳромжон Жуманов. — Бугунги кунда 18 та маиший чиқиндиларни жойлаштириш полигони мавжуд. Аҳолидан ҳосил бўладиган маиший чиқиндиларнинг ўртача миқдори йилига 1,1 миллион тоннани ташкил қилади. Бироқ табиатни асраш, ҳудудлар саранжом-саришталигини таъминлаш фақат масъулларнинг вазифаси бўлиб қолмаслиги керак. Аҳоли онгида экологик маданиятни шакллантириш лозим. Чунки маиший чиқиндилар пайдо бўлишига билвосита сабабчи бўлганлар уни бартараф этишга ҳам ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Бу ишларда, аввало, ўзимиз намуна бўлишимиз, фарзандларимиз онгига она табиатни севиш, уни муҳофаза қилиш борасидаги билим ва кўникмаларини сингдириб боришимиз, бу йўлда ибрат бўлган ёшлар ва мураббийларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш муҳим ҳисобланади.



Жорий йилда санитар тозалаш корхоналари томонидан аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш қамровини ошириш мақсадида 68 та махсус чиқинди ташиш техникаси олиб келинди. Давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган “Водий Махсус Санитар Транс”, “Фергана Спешал Транс”, “Фарғона Тозалик Санитар Сервис” МЧЖлари ҳамда Қува, Бешариқ, Қўштепа туманларида умумий қиймати 12,6 миллиард сўм бўлган чиқинди саралаш ва қайта ишлаш линиялари ишга туширилди.

Мамлакатимиз бўйлаб эълон қилинган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг баҳор мавсумида 11 миллион 326 минг туп кўчат экилди. Бир гектар майдонда “Яшил жамоат парки”, идора ва ҳокимликлар томонидан 10 гектардан зиёд майдонда 12 та “Яшил боғ”, шаҳарлар атрофида эса умумий майдони 8 гектарни ташкил қилувчи “Яшил белбоғ”лар ташкил этилди. Маиший чиқинди полигонлари атрофига 35 минг туп, 122 та йирик саноат корхоналари ҳудудида 245 минг туп дарахт ва бута кўчати экилди. Дарахтзорларни суғориш учун 60 километрга яқин суғориш тизимлари, 9 та сув чиқариш қудуғи барпо этилди. Кўчатларни парваришлаш учун олти минг нафарга яқин масъуллар бириктирилди.

— Орасталик, ободлик халқимизга хос фазилатлар сирасига киради, — дейди Риштон туманидаги Зоҳидон жоме масжиди имом ноиби Исломжон Мамажонов. — Муқаддас китоблар, аждодларимиз ҳаёт амалларида пок ва озода юриш, яшаётган ҳудудни саришта сақлашга алоҳида эътибор қаратилган. Сабаби, покизалик ҳукмрон бўлган жойда ёмонлик, разолат чиқмайди. Аллоҳ таоло Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам тозалик, сиҳат-саломатлик одоблари ҳақида кўплаб тавсия ва йўриқномаларни зикр этган. Айниқса, бебаҳо неъмат сув ҳавзалари, одамлар фойдаланадиган кўча ва хиёбонлар, соя-салқин жойларни эҳтиётлаш муҳимлигини таъкидлайди. Маиший чиқиндиларни кўча, аҳоли гавжум ҳудудларга ташламаслик, яшаш манзилларида чиқинди тўпламасликка чақиради. Ота-боболаримиз ариқ, дарё ва денгиз сувларини покиза сақлашни ўзларининг бурчи деб санашган.

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида атроф-муҳитни ифлослантириш ёки табиатга зиён келтирганлик учун салмоқли миқдорда жарималар қўлланилади. Масалан, Испанияда машина ойнасидан ахлат улоқтириш 200 еврога, сигарет қолдиғини ташлаш 90 евро миқдорида жаримага олиб келади. Ерга ташланган қоғоз учун Сингапурда 300 дан 1000 долларгача жарима тўлаш керак бўлар экан. Япония мактабларида ўқувчилар дарсларни тугатгач, синфхоналарни ўзлари тозалаб, тартибга келтириш одат тусига кирган.

Бир сўз билан айтганда, маиший чиқиндилар арзон хомашё, уни қайта ишлаш даромадли соҳа ҳисобланади. Бу тармоқни ривожлантириш орқали нафақат она табиат мусаффолигига эришилади, балки арзон ва сифатли маҳсулот олиш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконияти бор.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

# МАЪНАВИЙ ҚУДРАТ, ДАХЛДОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ МАҲСУЛИ



## Маҳалла тарғибот жойимиз, хонадонлар — асосий ишимиз, ҳар бир фарзанд келажаги — мақсадимиздир!

Бугуннинг гапи

**Маънавият ва маърифатни янги босқичга кўтариб, миллат бирлиги йўлида бирлашувга чақиришда маҳалланинг роли бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим, десак янглишмаймиз. Президентимиз "Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир", дея тизимнинг аҳамиятини кўрсатиб берган эди.**



**Махфуза ЙЎЛДОШЕВА,**
*сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси*

Алишер Навоий ўзининг "Ҳайрат ул-аброр" асарида "Маҳалла шаҳар ичидаги шаҳарчадир", деб таърифлайди. Маҳалланинг вазифалари ҳам даврлар, тузумларга қараб ўзгарди. Бу ҳаётий ҳақиқат ва тараққий этаётган замонга хос хусусият. Турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлиги, бу — маҳалла.

Президентимизнинг шу йил март ойида Наманган вилоятига ташрифи чоғида барча маҳалла фуқаролар йиғинларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш масаласига алоҳида урғу берилганди. Шундан келиб чиқиб, "Маҳалла еттилиги"га қўшимча равишда ҳар бир маҳаллада жамоатчилик асосида "Маърифат" тарғиботчилари фаолиятини жорий этиш ва бу борада "Наманган тажрибаси"ни кенг қўллаш ишлари бошлаб юборилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти, Республика маҳаллалар уюшмаси ташаббуси асосида маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш бўйича фаолият кўрсатадиган маҳалла маърифат тарғиботчиси бугун ўз ҳудудидаги ҳар бир оилага зиё билан, ўзига хос ёндашув билан кириб бормоқда.

Бу тажрибани кенг ёйиш мақсадида Наманган вилояти Уйчи туманидаги 56 маҳалланинг маърифат тарғиботчилари махсус ўқув курсида профессор-устозлар томонидан ўқитилиб, уларни амалиётга жорий этиш учун назарий ва амалий билимлар берилди. Тарғибот технологияларининг таъсирчан усуллари борасида керакли кейслар асосида ҳар бир маърифат тарғиботчиси ўз маҳалласи маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этишга ҳиссасини қўшиши тарғиботчининг асосий вазифаси сифатида белгиланган.

Тезкор технологик даврда янги ижтимоий муаммолар пайдо бўлгани одамлар ўртасидаги муносабатлар шакли-шамойилининг ҳам ўзгаришига олиб келгани сир эмас. Хусусан, бунда алоқа воситалари, айниқса, телефон ва унга боғлиқ технологиялардан кўпроқ салбий мақсадлар йўлида фойдаланилаётгани ачинарли. Рақамли тарғибот дунёсида маърифат тарғиботчисининг ўзида, энг аввало, дахлдорлик, масъулият, ватанпарварлик ҳисси кучли бўлиши лозим. У ўзидаги бор яхши хислатларни илму маърифат ила атрофидагиларга улаша олади. Илму маърифат эса ҳамиша жоҳилликни енгувчи асосий қуролдир.

Бугунги дунёнинг ўзгариб бораётган мафкуравий манзарасидан маълумки, жаҳон геоахборот дунёсидаги фикрлар жангини бугун тўхтатиб қолишнинг имкони йўқ. Табиийки, ахборот оламидаги салбий ва ижобий фикрларни истаймизми-йўқми, инсон онги қабул қилади. Ва ана шундай кескин жараёнларда эзгулик томонга йўналтира олувчи инсонларнинг биз билан бир сафда бўлмоғи жуда муҳим.

Шу жамият, шу миллат, шу юрт учун елкама-елка туриб хизмат қилишга тайёр фидойилар ўзининг назарий билимларини амалиётга кўчирганини кўриб, гувоҳи бўлиб севиняпмиз. Ижтимоий муносабатлардаги ҳар қандай ўзгариш маърифатга таъсир этади ва унда бу муносабатлар қандай натижаларга олиб келиши ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шу боис, маърифат нафақат ўтмиш ёки бугунги кун, балки келажакка нисбатан муносабатнинг ифодаси ҳамдир. Дарҳақиқат, маънавият, аввало, оиладан, маърифат эса маҳалладан бошланади. Агар биз тарбия, қадриятлар қадрини ошириш, анъаналарни сақлашни мақсад қилсак, албатта, маҳалла тарғибот жойимизга, хонадонлар — асосий ишимиз, ҳар бир фарзанд келажаги — мақсадимизга айланиши шарт.







**Маҳалла ватан ичра кичик ватан! Бу ер ҳар ким ўз урф-одатлари, миллий қадриятлари ва диний эътиқоди доирасида яшайдиган макон. Умумий манфаат эса битта — хонадонлар тинчлиги, ўзаро жамоавийлик, аҳиллик!**



### Маърифат тарғиботчиси ким? Унинг фаолияти натижадорми?

Тарғиботчилар ўша маҳалланинг кайвонилари, оқсоқоллари, сўзи тингланадиган, ўз ҳудудида ҳурмат-иззатга, ибрат намунасига эга бўлган шахс. Бугунги ўзгариб бораётган дунёда таназзулга учраётган қадриятлар, эзгулик устидан ғолиб келишга уринаётган худбин инстинктлар кучайган даврда эканмиз, маънавий-маърифий тарбиямиз борасида мана шундай тарғиботчиларга эҳтиёжимиз бор. Шуни алоҳида айтиш жоизки, маърифат тарғиботчиси учун "Маърифат" тарғиботчилар жамияти экспертлари томонидан махсус услубий қўлланма тайёрланди.

Бугун халқаро майдонни кузата туриб, саводсиз қолаётган болалар кўрсаткичлари ўсиб бораётгани бизни ўйга толдиради. Ана шундай фожиавий вазиятлардан тўғри хулоса чиқаришимиз жоиз. Фарзандларимизнинг оила, маҳалла, мактаб узвийлиги орқали таълим олиши ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган. Маҳалладаги жамоавийликнинг таъсир доираси шу қадар кенгки, бир инсоннинг баркамол Шахс бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилади.

Маълумки, маҳалла тизими, унинг ҳуқуқий мақоми давлат сиёсати даражасига кўтарилди, *маҳаллани жамиятнинг маънавий қиёфасига айлантириш бўйича янги ҳаракат юзага келди.* Маҳаллаларда "Маънавият сектори"ни ташкил қилиш ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш билан бирга, аҳолини китобхонликка жалб этиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маданият ва санъатга ошно қилиш, унутилаёзган миллий қадриятлар ва анъаналарни оммалаштириш ҳамда халқимиз орасида меҳр-оқибат туйғуларини кучайтириш каби бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш жараёнлари қизғин кечмоқда.

Тарғиботчилар ижтимоий ҳамкорлик доирасида ижтимоий тенгсизлик ҳолатларига йўл қўймайди, яъни дабдабали тўй-ҳашам, исрофгарчилик иллатларига қарши тура олади. Маҳаллада истиқомат қилувчи, ёшидан қатъи назар, ўз-ўзини банд қилмаган инсонларга касб-ҳунар, иш билан таъминланишида дастлабки кўрсатмаларни беради. Маҳалла аъзоларининг маънавий интеллектуал, маданий савияси доимий такомиллашиб боришига имконият яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, маҳаллада мулоқотлар доираси кенгайишига ва бевосита ташкилот ҳамда фуқаролар ўртасида маънавий муносабатлар тизими таркиб топишига ҳаракат қилади. Жамият барқарорлигини сақлаш кўп жиҳатдан инсоннинг кенг дунёқараши ва тафаккурига, дахлдорлик масъулиятига боғлиқ. Маърифат маънавий қарамликни бартараф қилади, инсонга куч-қудрат бағишлайди, ана шу тарғиботни илму маърифат ҳар қандай жаҳолат ва залолатдан устун эканини тарғиботчилар ўз маҳалласидаги оилаларга олиб кириши шарт.

### Ахлоқ — тараққиёт таянчи, таназзулнинг асоси эса ахлоқсизлик

Бугун барчамизни қамраб, қарам қилиб олган виртуал оламдан яхши имкониятлар учун фойдаланишни тарғиб қилиш лозим. Маҳаллаларда жамиятда илм-фан, спорт, ҳунармандчилик бўйича ютуқларга эришган инсонлар ҳаётини оммалаштириб, улардан ибрат олиб яшашга руҳлантиришимиз керак.

Маҳалладаги жамоавийлик — тўй ва маъракада, ободончиликда, ҳашарларда бизни ўзимизга хос бўлган қадриятларимиздан узоқлашишга йўл қўймайдиган узлуксиз жараён. Ёшларимизга бунёдкорлик яратувчиси бўлишни сингдириш меҳнат тарбиясининг гўзал маҳсули ҳисобланади.

Уйчида маҳалла марказининг ёнгинасида барпо қилинган "Қумтепа" ёшлар тадбиркорлик ва кичик саноат зонаси имкониятлари, авлодлар оша давом этиб келаётган "Устоз-шогирд" анъанаси, тумандаги 18-умумтаълим мактабида "Мактаб — ота-она — маҳалла" ҳамкорлигида маънавиятга доир қилинаётган ишлар, 48-давлат мактабгача таълим ташкилотида "Тарбияда ўзбек миллий ўйин ва эртакларининг таъсири" мавзусида маҳалла маърифат тарғиботчилари томонидан амалга оширилаётган ишлардан қувондик. Демак, уддаласа бўлар экан, маърифат тарғиботчиларини бугунги глобаллашаётган замонда ҳар қандай жараёнларга муносабат доирасида сиёсий-ҳуқуқий, маънавий билимлари оширилиши чин маънода маҳалланинг тараққиёт бешиги, деб аташга ярашади.

Маҳалла ватан ичра кичик ватан! Бу ер ҳар ким ўз урф-одатлари, миллий қадриятлари ва диний эътиқоди доирасида яшайдиган макон. Умумий манфаат эса битта — хонадонлар тинчлиги, ўзаро жамоавийлик, аҳиллик! Муштарак ва улуғ мақсад эса ягона: шу ватанни асраб-авайлаш! Дунёда маънавий-ахлоқий қашшоқлик авж олиб бораётганини кузатар эканмиз, бизни қадим тарихий аслиятимиз илдизлари бўлган маҳалла тизими ана шундай хуружлардан асрашига ишонамиз. Чунки инсоннинг маънавий соғлом, фикрати тоза бўлиб етишишига хизмат қиладиган асосий таянч куч — маҳалла. Ёшларни ғоявий бузғунчиликка ундайдиган кучлар бўй кўрсатаётган бир пайтда маърифат тарғиботчиларининг маънавият майдонига келиши ҳам маънавий қудрат, дахлдорлик ва масъулият маҳсулидир.

Мулоҳаза

# КИССАГА ФОЙДА, БИРОҚ ЖАМИЯТГА ЗАРАР



**Ҳадичахон КАРИМОВА,**
*Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси*

**Бугун мактабни амал-тақал битирганлар ҳам ҳужжатини олий таълим муассасасига топшириб, ўқишга кирмоқчи бўляпти. Ўтган йили абитуриентларнинг 50 фоизидан ортиғининг билими ўртача 56 баллдан паст бўлгани мамлакатимиз таълими учун анча маломатли бўлганига гувоҳмиз.**

Илгариги даврларга қараганда, бугун ёшларга олий маълумот олиш учун яратилган шароитлар жуда яхши. Бироқ айримларнинг онгини "Диплом олса бўлди, танлаётган соҳасига қизиқадими-йўқми, ишлайдими-ишламайдими, нима фарқи бор? Энг муҳими, омади кулиб, ўқишга кириб қолса, бас! Жуда бўлмаса, супер контракт тўлаб бўлса ҳам ўқитиб оламиз-да", деган фикр банд этди.

Мана, иллатнинг илдизи қаерда? Ота-онасининг пулига ўқишга кириб олган ва яна киролмай қолган йигитларни яқиндан билган одам билан суҳбатлашиб, тўғриси, ҳафсалам пир бўлди.

— Мебелсоз ҳунармандга шогирд тушгандим, — дейди исмини айтишни истамаган йигит. — Ота-онамнинг раъйига қараб, аввалги йили Ўшдаги университетга ўқишга кирдим. Бир йилдан кейин ўқишимни Фарғонадаги олийгоҳлардаги турдош йўналишга эмас, бошқасига кўчирдик. Отам нақд 60 миллион сўм тўлади. Ҳозир кимё йўналишида ўқияпман. Гапнинг очиғини айтсам, дарсларга бораман, лекин тушунмайман. Назорат ишларимни кимларгадир ёздираман. Бир амаллаб, иккинчи курсни ҳам тугатиб олдим. Институтни битириб, қаерда ишларканман, деб ўйлаб қоламан. Ахир бу соҳага, умуман, қизиқишим йўқ. Бўш пайтимда устозимнинг олдига бориб, юмшоқ мебель ясайман...

— Ўзим гувоҳи бўлган бир ҳолатни айтай: икки қадрдонимнинг набиралари тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Бири соҳага қизиққани учун икки йил репетиторга қатнаган билимдон йигитлигидан хабарим бор. Мактабда ўртача ўқиган ўртоғи эса дўстига қизиқиб, ўзини синаш учун абитуриент бўлди, — дейди зиёли қадрдонимиз Рустам ҳожи ота. — Натижа нима бўлди, деб ўйлайсиз? Биринчи йигит 189 балл тўплаб, грантга киришига бор-йўғи икки балл етмай қолибди. Контракт пули тўлаш имконияти бўлмагани учун ўқишдан воз кечди. Ота-онаси "Бир амаллаб тўлаймиз, ўқийверасиз", деса, кўнмабди. "Сизларни қийнаб қўяман, ахир ўғил боламан, келаси йили яна худди шу институтга топшираман, албатта, бюджетда ўқиб, шифокор бўламан, мана кўрасизлар", дебди ота-онасига. Бобоси "Набирам репетиторга қатнагандан кўра, бирор ҳунармандга шогирд тушганида бу қадар тушкунликка тушмасди, ҳунарини қилаверарди-да", дейди афсусланиб. Йигитнинг ўртоғи 61 балл тўплаган экан. Эшитишимча, ота-онаси катта миқдорда пул тўлаб, супер контрактга ўқишга киргизибди. Қонни кўрса чўчийдиган, синов учун ҳужжат топширган йигит ҳозир олийгоҳда ўқияпти. Менга бир ўй тинчлик бермаяпти: соҳага, умуман, қизиқмаган шу йигитдан келажакда қандай шифокор чиқади? Инсон саломатлигини унга ишониб топшириб бўладими? Баъзи соҳаларда ҳам нўноқ мутахассислар кўпайиб кетаётганини кўриб-кўрмасликка олсак, лоқайдлигимиз жамиятга қимматга тушмайдими?..




Ўқишга киришдаги коррупцион ҳолатлар, тўловнинг супер контракт усули, назаримда, олий таълимда сифат даражасини бир неча ўн йилларга орқага сурди. Ривожланган давлатларда олий таълим муассасасига ўқишга кириш осон, аммо уни битириб, мутахассис бўлиб чиқиш қийин. Бизда эса бунинг акси, бу даргоҳларга кириб олса бўлди, амаллаб битиради.

Шу ўринда ўзим яқиндан билган бир талабанинг фикрини келтирсам: "Бизда шундай талабалар бор, ўқишда жуда кам кўринади, баъзиси кўринмайди ҳам, лекин сессия пайтида пайдо бўлади ва айнан шуларнинг баҳоси "беш"!

Бундай ҳолатларни нуроний муштарийимиз айтганидай, кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олиб юришдан кимга фойдаю кимга зарар, деган савол тинчлик бермайди одамга. Нима учун ҳолат бўйича тегишли мутахассислар бонг урмаяпти? Бугун олий таълим даргоҳларида берилган имконият даражасида билим олишга, яхши мутахассис бўлишга интилаётган ёшлар бор, аммо улардан кўра нўноқлари кўп, десам муболаға эмас.

Мисолни ўз соҳамиздан келтирсам. Ўзбекистон Миллий университетида 3-босқични битирган, амалиёт ўташга келган йигитга бир илғор фермер хўжалигидан лавҳа ёзиб келишни маслаҳат бердим. Йигит ўзини ўнғайсиз сезди ва "Очиғини айтаман, устоз, лавҳа нима эканини билмайман", деса бўладими?! "Жанрлар ҳақида ўқигансиз-ку!", десам, "Дарсларга кам қатнардим-да", дейди. Хулоса чиқариш ўзингиздан.

Яна бир мисол: журналистика йўналишида сиртдан таълим олаётган жамоатчи мухбиримизнинг айтишича, гуруҳдаги 26 талабанинг атиги уч нафари оммавий ахборот воситаларида ишларкан. Бизнинг давримизда соҳада фаолият юритмаётганлар ўқишга қабул қилинмаган. Энди ўйлаб кўринг: тизимда ишламаса, юк кўтарувчи, сотувчи, тикувчи, қурувчи бўлиб ишласа, уларга "журналист" деган мутахассислик нимага керак, диплом учунми?! Бундай сохтакорлик жамият тараққиётига тушов бўлмайди, деб ким айта олади?

Таълим сифати пастлиги, назоратнинг юзакилиги, контракт, супер контракт тўлови миқдорини тинимсиз ошириш, тобора илдиз отиб бораётган коррупцион ҳолатлар барча жабҳага нўноқ, уқувсиз мутахассисларни етиштириб бераётгани икки карра икки — тўртдек аён ҳақиқат. Буни олий таълим мутасаддилари, барча тоифадаги ўқитувчилар ҳам жуда яхши билади. Аммо жамиятнинг энг пешқадами бўлган бу зиёлилар қатлами жим. Боиси — моддий манфаатдорлик!

Айтмоқчиманки, олий таълимда чуқур ислоҳотлар ўтказиш вақти аллақачон келди. Кимларнингдир киссасига фойдаю жамиятнинг эртасига зарба бераётган супер контракт усулидан воз кечилмас, сессияни "ёпиш"дан тортиб, то диплом ҳимоясигача бўлган даврлардаги таъмагирликка чек қўйилмас, худди ривожланган давлатлардагидек чин маънодаги мутахассисларни етиштириш учун ўқиётган талабаларнинг билим даражаси пулига эмас, билимига қараб ғалвирдан ўтказилмас экан, бугунги жимжитлик яқин келажакда жамиятга жуда қимматга тушади. Бу, менимча, давлат, жамият аҳамиятига дахлдор энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган ишдир.

Япония дунёнинг энг ривожланган етти давлати қаторидан мустаҳкам ўрин олган. У аҳолиси дунёда ўртача IQ даражаси бўйича 1-ўринда турувчи, миллий ўзлигини сақлаб, фаровонликнинг энг юксак натижаларига эришган мамлакат. Ҳудудда табиий ресурслар йўқ ҳисоби. Иккинчи жаҳон урушидан кейин култепа устида қолган мамлакат 15 йил ичида уни мағлуб қилган давлатларга етиб олди. Сўнг ҳақиқий иқтисодий мўъжиза яратди. Дунёда 60 йилдан бери “Made in Japan” тамғаси бренд ҳисобланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 17 июль, 142-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz



Таассурот

*Дунёда ўзбек халқининг анъана, урф-одат, қадрият ва менталитетига ҳамоҳанг турмуш кечирувчи халқлар кўп эмас. Ана ўша камсонли халқлардан бири – японлар. Қиёсий таҳлил этилса, ўзбек ва япон халқининг миллий қадрият ва турмуш тарзида жуда кўп умумийлик ва ўхшаш жиҳатлари намоён бўлади.*

# Елпиғичда АКС ЭТГАН ҲИКМАТ

**Нодир МАҲМУДОВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*



Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар икки минг йилдан зиёд тарихга эга. Бу давр мобайнида Шарқ ва Ғарб мамлакатларини ўзаро боғлаган ва Марказий Осиё ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўли орқали цивилизациялар ўртасида иқтисодий алоқалар, маданиятлар ва умуминсоний қадриятлар алмашуви рўй берган.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 32 йилдан ошди. Давлатимиз раҳбарининг кунчиқар юртга сўнгги ташрифи чоғида бўлиб ўтган музокаралар натижаси бўйича икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилиниб, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, божхона, туризм, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланган эди.

Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологияларга интилиш жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил этиши ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Гапни бежиз икки халқнинг азалий ва ривожланиб бораётган замонавий муносабатларидан бошламадик. Ўтган ойнинг сўнгги ҳафтасида Республика Маънавият ва маърифат маркази мутасаддиларидан иборат делегация Японияда бўлиб, ушбу мамлакатда ахлоқий тарбия, таълим соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишиб қайтди. Шунингдек, мезбонларга юртимизда бу йўналишда олиб борилаётган тизимли саъй-ҳаракатлар, Янги Ўзбекистон стратегияси ва унинг юртимиз ёшлари ҳаётида тутган ўрни ҳақида маълумот берилиб, қатор тақдимотлар ўтказилди.

## Маънавий тафаккурни юксалтириш бирламчи масала

**Зоҳид ТЎРАҚУЛОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари:**



— Сафардан мақсад япон тажрибаси мисолида ўзбек маънавиятидан янги, кучли, фаровон Ўзбекистон барпо этиш жараёнини тезлаштиришда фойдаланиш методларини, тарбия, маънавият орқали халқни бирлаштириб, кучли иқтисодиётни яратишни ўрганиш ва ўз тажрибаларимизни улар билан ўртоқлашиш эди.

Биз Токио шаҳридаги музейлар фаолияти билан танишиб, уларнинг ахлоқий тарбиядаги ўрни қандай экани ҳақида ҳам ўрганишлар олиб бордик. Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги вакиллари, Таълим тадқиқотлари миллий институти ҳамда Мактабгача таълим тадқиқотлари маркази раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг ахлоқий тарбия масаласидаги тажрибалари ўрганилди ва бир қанча келишувларга эришилди.

Япония давлати мисолида ҳам бугун мамлакат тараққиётининг негизида маънавий тафаккурни юксалтириш бирламчи масалага айлангани, глобаллашув жараёнида одоб-ахлоқ дастурлари бўйича ўз миллийлигини сақлаб қолаётган халқлар етакчи эканини кўриш мумкин.

## IQ даражаси бўйича 1-ўрин

Япония дунёнинг энг ривожланган етти давлати қаторидан мустаҳкам ўрин олган. У аҳолиси дунёда ўртача IQ даражаси бўйича 1-ўринда турувчи, миллий ўзлигини сақлаб, фаровонликнинг энг юксак натижаларига эришган мамлакат. Ҳудудда табиий ресурслар йўқ ҳисоби. Иккинчи жаҳон урушидан кейин култепа устида қолган мамлакат 15 йил ичида уни мағлуб қилган давлатларга етиб олди. Сўнг ҳақиқий иқтисодий мўъжиза яратди. Дунёда 60 йилдан бери “Made in Japan” тамғаси бренд ҳисобланади. Бунинг сири саноат, металлургия, кемасозлик, автомобилсозлик, электроника, бутун дунёдан патент ва ақлий маҳсулотларни ўрганиш, сотиб олиш, талаб катта бозорлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш, узоқни кўзлаб иш тутиш, дейишади. Дастлаб ривожланган давлатлардан ўрганган Япония тезда ўз миллий технологияларини яратишга ўтди. Лекин бу ҳақда гап кетганида ҳамма “инсон омили”га алоҳида тўхталади.

## “Инсон омили” мўъжизалар яратади

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари:**

— Инсон омили нима? Гэри Бэккер — американлик иқтисодчи, инсон капитали бўйича тадқиқотлари учун Нобель мукофотини олган. У инсон капитали тушунчасига шундай таъриф беради: “Агар технологиялар иқтисодиётнинг мотори бўлса, инсон капитали — унинг ёқилғиси. Ҳар бир одамнинг, давлатларнинг иқтисодий муваффақиятлари замонамиз капиталининг ана шу янги шаклига боғлиқ”.



Ёшларни маънавият ва маърифат орқали тарбиялаш — янги Ўзбекистонда инсон капиталини яратишнинг устувор йўналиши. Шу сабабли дунёнинг қайси нуқтасида бизга фойдали метод, технология бўлса, уни келтириб, миллий манфаатларимизга хизмат қилдиряпмиз. Биз Япониянинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги юксалиш тарихига қараб, улар ҳам худди шу ишни қилгани, кейин ўша ривожланган давлатлардан ўзиб кетганини кўрдик.

Бир мисол. Японияда 1955 йилдан бошлаб тарбия ислоҳ қилинган. Бу эса бора-бора “Япон мўъжизаси”да “инсон омили”ни етакчи позицияга олиб чиққан. Ишчи-хизматчилар, тадбиркорлар сафига янгича тарбияланган ёшлар қўшила борган. Бизга Японияда этни жунжиктирадиган тарихий бир манзарани айтиб беришди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин умуммиллий ғоя асосида меҳнат, садоқат, ватанга хизмат қилиш фазилатлари трендга чиқади. 10 соатлаб ишлаётган ишчиларга бир парча нон, пиёзли шўрва берилар эди. Очликдан уларнинг силласи қуриб, оёқда тура олмай қолган. Ана шунда ишчилар шифтга арқон маҳкамлаб, қўлтиқлари билан арқонга осилиб, ишни давом эттирган экан. Ваҳоланки, улар ўн соат ишлагач кетиши мумкин бўлган. Мана шу мисолда улардаги кучли маънавият, ирода ватанга содиқ хизмат шаклида намоён бўлган.

Сўраб-суриштириб, бунинг сирини япон ҳукумати томонидан 1958 йилда ишлаб чиқилган тарбиявий йўриқномадан топдик. Мактабларда ўқувчи ёшларга тарғибот орқали 22 та таянч фазилат ўргатилгани аниқланди. Мана шунинг натижасида қисқа муддатда мисли кўрилмаган тараққиёт стандарти — “япон маънавияти + Ғарб технологиялари = япон мўъжизаси” яратилган.

Қисқаси, япон мўъжизаси Президентимизнинг “Кучли иқтисодиёт + кучли маънавият” деган даъвати қандай натижа беришини кўрсатиб турибди.

## Боғчада фанлар ўргатилмайди, эътибор фақат тарбияга

**Бегмат ОЧИЛОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи:**



— Сафар давомида ҳар бир саволимизга илмий, факт ва рақамларга асосланган, амалий, методик жавобларни олишга интилдик. Зеро, миллий тарбия ва ғарб технологияси уйғунлиги асосида юксалган шарқона юксалиш модификация қилиниши жуда муҳим. Бунга эришилса, кучли маънавият 10 қадам олдинга ўтиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган 100 мақсадга тез ва соз етишимизга хизмат қилади. Чунки кучли маънавият кучли иқтисодиёт билан ғоявий бирлашади.



Қаранг, мамлакат мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларида япон болаларига жасоратни шакллантириш, кўпроқ кўрган-билганларини сўзлаб бериш, алломалар ҳаётидаги ибратли воқеаларни ҳикоя қилиш каби жиҳатлар ўргатилар экан. Боғчада болага таълим берилмайди, фақат тарбияга эътибор қаратилади, болани кичик ёшда ўқиш билан боғлиқ юкламалар билан қийнашмайди. Болада ўзликни англаш каби фазилатлар, жасорат ва ирода, ижодкорлик хислатлари ривожланишига алоҳида аҳамият қаратилади. Шунинг учун ҳам ҳозир Япония ёшлар ўртасида жиноятчилик энг кам, инсонлар ҳаёти фаровон бўлган дунёдаги етакчи давлат.

Бир неча университет, жамғарма, мактабларда бўлдик. Бизни нафақат бугунги кун, балки “Япон мўъжизаси”нинг маънавий тарихи кўпроқ қизиқтирди. Бизга 30 га яқин ноёб илмий-назарий, методик манбаларни тавсия қилишди. Ушбу китоблар Япониянинг 1945-2024 йилларда ёшлар тарбияси бўйича олиб борган сиёсатини илмий ўрганиш имконини беради.

Бу илмий манбаларнинг кўпчилигини интернетдан топиб бўлмайди. Улар юксак ривожланган Япониянинг миллий-ахлоқий пойдевори ҳақида ҳикоя қилади. Китобларни ўзбек тилига ўгириш ва чоп қилиш, улар асосида ўқув, маърифий инфотейнмент, подкастлар қилиш, мунозара, баҳс ва медиамаҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Бу педагоглар, маънавият ва маърифат ходимлари, зиёлилар, халқимиз тафаккурини “Ўзбекистон — 2030” стратегиямиз атрофида бирлаштиришга, сафарбар бўлишга рағбатлантиради.

## “Тарбия-таълим” рамзи

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари:**

— “Япон ахлоқий тарбия методи” 4 қисмдан иборат экан. Булар “Ўзликни англаш”, “Бошқа одамлар билан муносабатлар”, “Жамоа ва жамият билан муносабатлар” ва “Ҳаёт мазмуни, табиат ва олий қадриятларга муносабат”. Уларнинг ҳар бири яна бир нечта йўналишларга бўлинади.

Япон педагоглари “таълим-тарбия” эмас, “тарбия-таълим” принципи асосида ишлар экан. Бунинг боисини тушунтиришди ва эсдалик бўлсин деб бизга “тарбия-таълим” рамзи бўлмиш япон елпиғичини совға қилишди. Япон педагоглари фанларни елпиғичнинг бурма қатламларига қиёслайди. Яъни уларни тарбия бирлаштириб туради. Агар тарбия бўлмаса, улар сочилиб кетади. Шунинг учун болалар боғчаси, мактаб, аввало, тарбия билан шуғулланиши керак, ана шунда болаларга “Яхши ўқи”, “Китоб ўқи”, дейишга ҳожат қолмайди, чунки яхши тарбияланган бола ёмон ўқишдан уялади, ор қилади деб ҳисоблашар экан.



Биз “Бу елпиғичда фанларни, таълимни кўрдик. Тарбиянинг ўрни қани?” деб сўрадик. Улар елпиғичнинг марказини, барча бурама(фанлар)ни бирлаштириб турган михни кўрсатди: “Барча фанлар тарбияга бориб уланади. Демак, ҳар бир фан 22 фазилатни тарбиялаш мақсади атрофида бирлашади, хизмат қилади”. Ана сизга ёндашув.

Нафақат Япония, балки барча “Шарқ йўлбарслари” ўз тараққиёти аввалида иқтисодий инновациялар билан бир қаторда дунёдаги энг зўр таълим-тарбия, маърифат технологияларини олиб келиш ва модификация қилиш орқали юксалган. Ўзбекистон тараққий этишнинг ана шу синалган йўлидан шижоат билан бормоқда. Бундай глобал конвергент ёндашув (“ўзбек маънавияти + юксак технологиялар = ўзбек мўъжизаси”) мақсадимиз сари дадил қадамларни таъминлайди.

## Тажриба миллий тараққиётга хизмат қилади

Ишонамизки, ўрганилган ноёб тажриба, тўпланган методика ва технологиялар Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилади. Суҳбатдошларимиз таъкидлаганидек, мақсад япон тажрибасини кўчириб олиш эмас. Мақсад япон миллий тарбияси, қадриятларидан иқтисодиётни юксалтириш, “Япон мўъжизаси”ни яратишга сафарбар қилишнинг метод ва технологияларини олиб, ўзбек миллий тарбияси ва қадриятлари асосида қўллашдир.

Масалан, “аввал тарбия, кейин таълим” тамойили бизда азалдан бўлган. Бироқ шўро даврида унуттирилган. Японлар бу тамойилдан санъат даражасида фойдаланиб, юксак натижага эришди. Бошланғич синфларда асосий иш — тарбия. Балки биз ҳам ушбу унутилган миллий тарбия тамойилини тиклашимиз керакдир. Фанлар бўйича дастур, дарслик, методик қўлланмаларни ишлаб чиқишда “тарбиялаб билим бериш” қоидасини татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Бунда ҳам тарбияни замонавий тушуниш, унинг мақсад ва вазифалари максимал даражада ҳаёт билан боғланишига эришиш керак бўлади. Акс ҳолда, “тарбия” деганда, нуқул насиҳат ёки тадбир ўтказишни тушуниш давом этаверади. Иккинчидан, “Биз мактаб битирувчиларида қайси фазилатларни кўришни истаймиз?” деган саволга аниқ рақамларда белгиланган жавобимиз бўлиши керак. Чунки дунёда 2000 дан ортиқ инсоний сифат бор. Уларнинг ҳаммасини тарбиялаб бўлмайди.



Шундай экан, “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосида шахс, оила, Ватан учун энг зарур таянч компетенцияларнинг аниқ сонини белгилаб, дифференциал ёндашув асосида, боғчанинг биринчи кунидан то паспорт олиш кунигача изчил ривожлантириш зарур. Ана шунда, 18 ёшга кирган, қўлида паспорти бор ўзбекистонлик йигит-қиз тарбиянинг объектидан тарбиянинг субъектига айланади. Энди у ўзини ўзи тарбиялаш режимига киришади.

Японларда бунга 14 ёшдан ўтилади. Бизда ҳозирча 18 ёш белгилангани маъқул кўринади. Бу ҳар бир мактаб битирувчиси мустақил ҳаётга энг камида 85 фоиз тайёрлик билан кириб боради, ўз ҳаёти, иши, касби, одамлар билан муносабати, оила қуриш, бизнес ва бошқа барча масалаларда мустақил, асосли қарорлар қабул қилади, ота-онасининг, катталар, умуман, бировларнинг ёрдамига муҳтож бўлмайди, дегани.

Натижада ота-она ҳам хотиржам яшайди. Жони ҳалак бўлиб, 19-21 ёшли боласини етаклаб юрмайди. Болаларидан кўнгли тўқ — ором олиб, кексалик гаштини суради, саёҳатларга чиқади. Бунга сабаб боласида миллий ва халқаро технологиялар асосида 18 йил изчил ўлчаб, баҳолаб тарбияланган таянч фазилатлар, компетенциялар бўлади.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2439.
42368 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Боборавшан Ғозиддинов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 22:25 Топширилди — 23:15